

**ЎЗР ФА САНЪАТШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ ИЛМИЙ АРХИВИНИНГ
ТАРИХИЙ МАНБАВИЙ АҲАМИЯТИ**

И.Уринов

*ЎЗР ФА Санъатшунослик институти
стажёр тадқиқодчиси*

Аннотация *Мазкур ишда Санъатшунослик институти илмий архивнинг бўлимлари ҳамда Тасвирий ва малий безак санъати бўлимида фаолият юритган Ремпел Лазар Израилевичнинг қўл ёзма архив хужжатлари ҳақида ҳамда бўлимнинг архив хужжатлари тўғрисида қисқача маълумот берилган.*

Калит сўзлар: *Архив, манба, маданият, санъат, тасвирий безак, амалий санъат, этнофолклор, экспедиция, фото, чизмалар.*

Инсоният тараққиётининг юксалиши ижтимоий-маданий муносабатларининг ривожланиши ибтидоий жамоа тузумининг емирилишига ҳамда давлатчиликнинг вужудга келишига олиб келди. Деярли бир вақтда ижтимоий зарурат туфайли турли хил тасвирдаги битик ва ёзув ҳам пайдо бўлди. Қадимий давлатлар ўзларининг маданият ва санъатини вазибаларини бажариш жараёнида тасвирланган манбалар ҳамда турли хужжатлар яратиш ҳамда уларни сақлашга эҳтиёж сездилар. Шу тариқа мазкур манбалар ва хужжатларни сақлайдиган муассасалар – архивлар пайдо бўлди.

Маълумки, 1928 йилда Санъатшунослик институти ташкил топган бўлса институт олимларининг Ўзбекистон маданияти ва санъатига бўлган илмий қизиқиш ташкил топган вақтлардан ҳамда ҳозирги кунгача сўнмаган. Уларни кўп йиллар давомида мусиқий-этнофолклор ва археологик экспедициялар таркибида илмий ишларни амалга оширган ҳамда илмий ишлари мобайнида институтнинг илмий архивини шаклланишига ўзларининг хиссаларини қўшганлар.

Мамлакатимизда ҳам архив хужжатларини тарихий манбавий аҳамиятини ошириш, тарихий хужжатларни рақамли нусхаларини яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича “Ўзбекистон — 2030”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонида белгиланган Маданий меросни муҳофаза қилиш, илмий ўрганиш ва оммалаштириш билан боғлиқ фаолиятни янада такомиллаштириш вазифаси Санъатшунослик институтининг илмий архив материални замонавий форматга ўтказиш ва ноёб номоддий маданий мерос намунасини ЮНЕСКОнинг халқаро рўйхатларига киритишга эришиш ҳамда маданий мерос элементини чуқур илмий тадқиқ этишдан иборат.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Санъатшунослик уинститути республикадаги ягона илмий тадқиқот институти бўлиб, институтда санъат тарихи, тасвирий ва амалий безак санъати, меъморлик санъати, мусиқа санъати, театр ва хореография ҳамда кино ва телевидение йўналишлари бўйича илмий бўлимлари мавжуд. Ушбу бўлимлар томонидан Ўзбекистоннинг маънавий ва маданий даражасини янада юксалтириш, юртдошларимизни миллий маданиятимиз ва жаҳон маданиятининг энг яхши намуналаридан кенг баҳраманд этиш, жамиятнинг маданий-эстетик эҳтиёжларини

таъминлаш бўйича илмий ечимлар устида амалий ишлар олиб боради ва маданият, санъат, ҳамда маданий мерос соҳасида фундаментал ва амалий илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш, илмий тадқиқот ишларини жойига бориб ўрганиш мақсадида хизмат сафарлар уюштириш, соҳада инновацион технологияларни кенг қўллаш, шунингдек, республика ва халқаро миқёсда илмий ва амалий грант лойиҳаларини амалга оширилади. Амалга оширилган барча илмий тадқиқот ишларининг асл нусхалари институтнинг илмий архивида сақланмоқда. Хужжатларнинг турланиши илмий бўлимлар томонидан йиғилган манбаларга қараб алоҳида бўлимларга ажратилган. Институтнинг Тасвирий ва амалий безак санъати бўлими дастлаб 1940 йилда ташкил топган. Бўлимга тегишли архив хужжатларининг асл нусхалари ва уларга илова қилинган чизмалар ҳамда фото суратлар сақланмоқда. Илмий ишларига асос қилинган чизмалар ва фотосуратлар албом шаклида қилинган. Албомнинг ўлчами турлича бўлиб, асосан 70 смга 50 см бўлган устки қисми теридан ишланган қопламали. Албомлаштирилган хужжаларнинг ички вароқларида фотосуратларни турли офатлардан сақлаб қолиш учун фотосуратлар албом вароқларини марказ қисмига жойлаштирилган. Албомлаштирилган хужжалар турларига қараб кетма кетликда жойлаштирилган. Ҳажми катта хужжатларининг албомлари ҳолатига қараб иккита ёки учта фото албом қилинган.

Мазкур хужжатлар тасвирий ва амалий безак санъати соҳасига тегишлидир. Бу чизма ва фотосурат албомлаини сақлашдан мақсад ушбу манбалар асосида бугунги жамиятнинг эстетик қарашларидан келиб чиққан бино ва иншоотларни безатишдан иборат. Тасвирий санъат инсон ҳаёти ва фаолияти учун зарур фазовий муҳитни тафаккур кучи билан аввал ижодий лойиҳада режалаб, уни амалда юксак дид ва маҳорат билан бунёд этади.

Тасвирий ва амалий безак санъати хужжатларининг амалий хизмати, вазифасидан маълум ғоявий бадиий мазмунни, ўз даврини ифодаловчи тасвирий киёфа образини мужассам этади, моддий маданиятнинг энг маҳобатли ва энг кўп харажатли, таркибий қисмини ташкил қилади айни вақтда маҳобатли санъат сифатида намоён бўлади. Санъатнинг бошқа турли хил санъат намуналарини (ҳайкалтарошлик, ўймакорлик, ганчкорлик каби) ўзида мужассам этибгина қолмай фазовий шакллар ўзаро мутаносиб, ҳамоҳанг бўлишини назарда тутди. Соҳадаги тадқиқот натижалари шуни кўрсатадики, санъатни ривожлантириш ва давлатчилик шаклларини такомиллаштириш жараёнида ўрта асрлар даврида маънавий-мафкуравий функциянинг роли ошиб, бадиий маданият ҳозирги кунда давлат қурилишининг муҳим таркибий қисмларидан бирига айланиб бормоқда. Қадимги дунё тарихида машҳур бўлган етти мўъжизанинг ҳаммаси инсон даҳоси билан яратилган амалий санъат асарлари бўлгани бежиз эмас.

Санъатшунослик фанлари доктори, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ва Ўзбекистон Бадиий академия академиги, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси Ҳакимов Акбар Абдуллаевичнинг 1969 йилда дасталки илмий фаолияти Санъатшунослик институтида бошланган бўлиб бугунги кунди соҳанинг энг етук олими ҳисобланади. Олимнинг илмий фаолияти давомида илмий ишларни бажарибгина қолмай ўзининг илмий мактабини яраган инсоноигини кўришимиз мумкин. Академик А.Ҳакимовнинг бугунги кундаги шогиртлари санъатшунослик фанлари докторлари 4 та нафар, санъатшунослик фанлари бўйича фалсафа докторлари эса 24 тани ташкил қилмоқда ва Олий таълим муассасаларда ҳам бир қанча магистр ва бакалавр шогиртларини тақидлаб

Ўтиш лозим. Академик А.Хакимовга тегишли институтнинг илмий архивида сақланаётган фаолиятига оид хужжатлар мавжуд бўлиб ИА(м) X16 1035 сонли делода 6 та илмий мақоласининг асл нусхалари жой олган. Эстафету мастерства – молодым академик А.Хакимов мазкур мақоласида соҳанинг ёш вакилларига катта эътибор қаратгани устоз-шогирт анъанасини давом эттириш куннинг долзарб мавзуси эканлиги тўғрисида маълумотлар берилган.

Умуман олганда, Санъатшунослик институти ўзбек халқининг миллий ўзлигини, санъати ва маданияти, бой ва ўчмас боқий тарихи, буюк санъат дарғалари ва уларнинг инсоният ҳаётида қолдирган бебаҳо меросини сақлайдиган ҳамда ҳозирги кунга қадар уни намоён этаётган маскандир. Мазкур институтнинг идоравий архиви узоқ йиллардан буён бой маданий тарихимизнинг ажралмас қисмини асраб келмоқда. Таъкидлаш лозимки, институт идоравий архивларига оид манбалар асосида тадқиқот олиб бориш ва уни ўрганиш ҳозирги даврда муҳим эканлигини яна бир бор исботламоқда.

Тадқиқот натижаларидан амалиётда кенг фойдаланиш мумкин бўлиб, жумладан, Ўзбекистон тарихи бўйича маърузалар тайёрлаш, ўқув адабиётларини яратиш, илмий изланишларни амалга ошириш ишларида. Шунингдек, мавзуга доир маданий-маънавий тадбирларни ташкил этиш, соҳа тарихига бағишланган анжуманларда маърузалар қилиш, оммавий ахборот воситалари дастурларини тайёрлаш, архивлар фаолиятини тарғиб қилишда кенг фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. <https://lex.uz/docs/6600413>
2. Ўзбекистон Бадий академияси Санъатшунослик институти. Санъатшунослик масалалари Илмий мақолалар тўплами//Тошкент-1998. 225-бет.
3. ЎЗР ФА Санъатшунослик институти илмий архиви ИА(ф) И90 №358 Реплель Л.И. “История искусств Узбекистана” фото Дрение искусство.
4. Акбар Хакимов. Искусство Узбекистана история и современность// Тошкент-2010. 23-бет
5. Акбар Хакимов. Искусство Узбекистана история и современность// Тошкент-2010.481-бет
6. ЎЗРФА Санъатшунослик институти илмий архиви. Хужжат ИА(м) X16 №1035